

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли сайловчилар!

Авваламбор, мен бугун Сизлар билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан аҳамиятга эга воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтadиган сайлов жараёнида номзод сифатида учрашиб турганимдан ниҳоятда бахтиёрман ва Сизларга қимматли вақтингизни аямасдан, бизга хайрихоҳлик билдириб, бугунги учрашувга келганингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хабарингиз бор, айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизгин давом этмокда. Ушбу сиёсий жараён Сиз каби сайловчиларимизнинг юқори сиёсий фаоллиги ва маданияти асосида, юксак савияда ташкил этилаётгани барчамизни ҳурсанд қиламокда.

Мана шундай паллада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод сифатида менга билдирилган ишончни ўзим учун юксак масъулият сифатида қабул қилиб, ушбу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Барчамизга маълумки, 2016 йил 9 сентябрь кун Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Партияимиз амалдаги қонунчилик ва Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган тартибга асосан 4 декабрь кун бўлиб ўтadиган сайловларда иштирок этиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Бугунги кунда бажариладиган барча ташкилий-сиёсий масалалар юқори савияда ҳал қилинганлигини айтиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Авваламбор, барча партия ташкилотларида ўтказилган йиғилиш ва конференцияларда партияимиз аъзолари томонидан сайлов кампаниясини муносиб равишда ва кўтаринки руҳда ўтказишга келишиб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда партиядан кўрсатилган вакилнинг иштирок этишини қўллаб-қувватлаш бўйича имзоларни йиғиш жараёни юқори савияда амалга оширилди.

Партияимизнинг 15 октябрь кун бўлиб ўтган VIII Қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Сайловолди дастури тасдиқланди.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Сизлар билан яна бир бор халқимиз тақдири, мамлакатимиз келажигига дахлдор бўлган муҳим сиёсий тадбир муносабати билан учрашиб турган эканмиз, энг аввало, истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Жумладан, ўтган йилларда мамлакатимиз аҳолисининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмокда.

Жаҳон амалиётида кам учрайдиган бундай кўрсаткичлар амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади, энг аввало, инсоннинг ҳаётини ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга қаратилганидан далолат беради. Буни барчамиз ўз оиламиз, маҳалладошларимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида кўриб, англаб турибмиз. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва

сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Ҳурматли сайловчилар!

Тошкент вилояти деганда, ўзининг бетакрор иқлими, гўзал табиати ва ҳушманзара масканлари, ҳосилдор тупроғи, бой минерал-хом ашё манбалари, етарли сув захиралари, мевазор боғ-роғлари, улкан саноат корхоналари, файзли қишлоқларидек гўзал манзара кўз олдимизда намоён бўлади. Истиқлол йилларида тубдан янгиланиш ва юксалиш сари юз тутган Тошкент вилояти мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан йирик ва салоҳиятли субъектларидан бирига айланди.

Жумладан, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари каби йирик саноат корхоналарида ўн минглаб ишчилар, инженер-техник ходимлар фидоқро на меҳнат қилишмокда. Шунингдек, Ангрен индустриал зонаси ҳамда Марказий Осиёда ягона бўлган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий – "GMPowertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси нафақат ҳудуд балки бутун республика иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган локомотивларга айланган.

Қолаверса, вилоят қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, пиллачилик ҳисобланиб, мустақиллик йилларида бу соҳаларнинг ҳар бирида сезиларли ўсиш-ўзгаришлар бўлгани таҳсинга лойиқдир.

Умуман, Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳиятини рақамларда ифодалайдиган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, яъни ички маҳсулотимизнинг эса 9,7 фоизи айни шу вилоят ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Энг муҳими, вилоятда олиб борилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, кўпалаб намунали уй-ҳўжларнинг қурилиши ва уларни фуқароларга фойдаланиш учун топширилганлиги натижасида, ҳудуд аҳолисининг турмуш фаровонлиги юксалиб, юртдошларимиз ҳаётдан рози бўлиб, келажакка ишонч билан бўшаётгани энг катта ютуғимиз, деб ўйлайман.

Азиз ватандошлар! Тошкент вилоятининг бугунги кунда мана шундай гуллаб-яшнаши, ривожланишини кўриб, унинг бетакрор заминига, доно, меҳнатсевар халқига, заҳматкаш деҳқонларига, олим-фузаларига, ҳар бир соҳада энг юксак чўққиларда ўзини намоён қилаётган иқтидорли, истеъдодли ёшларига тасанно, ташаккур деймиш.

Тошкент вилоятида ана шундай фидойи замондошларимиз, фақат юксалиш, ривожланишни ўзига шиор деб билган саноат корхоналари бор экан, бу замин ҳали бундан-да юксак натижаларга эришишига ишончимиз комил. Бу йўлда барчангизга куч-қувват ва соғлиқ-саломатлик тилайман!

Қадри сайловчилар!

Бугун сайлов кампаниясининг қизгин палласида учрашиб турган эканмиз, шу муносабат билан халқимиз учун муносиб ҳаёт шaroити яратишга қаратилган янги вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саясий-ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришга қаратилган дастуриимизни таклиф этмокдамиз.

Мазкур дастур Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маъна-

вий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланади.

Шу билан бирга, дастурда бугунги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида учраётган айрим муаммолар, фуқароларимизни йўналтираётган масалалар ечими бўйича аниқ таклиф ва механизмлар илгари сурилганлиги, ўйлашмики, сайловчиларни бефарқ қолдирмайди.

Мазкур дастурга мувофиқ қуйидагилар биз учун энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади:

Биз, энг аввало, демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсадини илгари сурамиз. Чунки, адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига киради.

Зеро, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барақа бўлади, одамларда меҳроқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

Шундай экан, биз учун **ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли жамият қуриш** борасидаги конституциявий нормаларимизни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш устувор вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Биз, бунда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари ҳукм сурадиган, аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишга йўл қўйилмайдиган, фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ёғларига таянамиз.

Шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Биз, **вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш**, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни ёқлаймиз. Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига доир қарорлар қабул қилишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда **бюрократизм ва коррупция**нинг ҳар қандай қўришларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади, деб биламиз.

Биз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Хусусан, давлат ва жамият ҳаётининг барча баҳхаларида **"адолатли қонунларни қабул қилиш"**, **"қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади"** каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг ижтимоий ҳимояси амалда таъминланадиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови, деб биламиз.

Барчамизга маълумки, жамиятдаги ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқаради. Қонунлар қанчалик мукамал ва ҳаётий бўлса ҳуқуқ ва эркинликларимиз ишончли ҳимоя қилинади. Шу сабабдан, биз асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмни яратиш ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғояси асосий мезон бўлишига интиламиз.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз, албатта, давлат ҳокимияти вакиллик органларида шакллантирилган депутатлик корпусларимизнинг салоҳият ва имкониятларига таянамиз.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ҳам доимий эътиборимиз марказидаги масаладир. Биз **"кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор"**, деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Шу билан бир вақтда, биз жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб боришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

Чунки, фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўзининг ҳуқуқларидан тўлалигича фойдалана олади. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга жорий этишни режалаштираямиз.

Биз иқтисодий соҳада ҳам бир қатор устувор вазифаларни илгари сураямиз. Жумладан, бу борада республикамизда олиб борилаётган макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютани барқарорлигини таъминлаш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатини давом эттириш тарафдоримиз.

Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳозирги ва истиқболдаги босқичида биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб биламиз ҳамда **"рақобат – мумкин қадар, давлат бошқаруви – зарурат қадар"** тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш тарафдоримиз.

Бу борадаги мақсадларимизни амалга ошириш учун биз махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилишни режалаштираямиз. Мазкур ҳужжатда инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш, Инновация жамғармасини тузиш каби устувор вазифаларни белгилашни мақсад қилганмиз.

Биз **ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш масалаларига**, авваламбор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ва импорт микдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуктаи назаридан ёндашамиз.

Иқтисодий соҳадаги вазифалар ҳақида сўз юритганда Тошкент вилоятининг бу борадаги салоҳияти ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганига ҳам эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган ялпи ҳудудий маҳсулот асосан 5-6 та субъект ҳисобига тўғри келаётганини кузатиш мумкин. Яъни, вилоятдаги мавжуд 14 та туманининг 7 тасида маҳаллий бюджет харажатлари субвенция ҳисобидан қопланмокда.

Айни шундан келиб чиқиб, биз мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларининг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймаслик мақсадида йирик компанияларнинг марказий бошқарув органларини кичик шаҳарларга кўчириш ҳамда кичик шаҳарларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқ-



риш инфратузилмасини республика бюджети ҳисобидан кенг қўллаб-қувватлаш қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий соҳада, шунингдек, энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг қўлдан қилиш, мавжуд муқobil энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш масалалари ҳам ҳар доимидек эътиборимиз марказида бўлади. Бу борадаги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш депутатлик корпусимиз олдидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Қолаверса, биз **"яшил иқтисодиёт"** ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш чораларини кучайтириш экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида жадал ривожланишни таъминлашга йўналтирилган муносаб иқтисодий сиёсат олиб боришни қўллаб-қувватлаймиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, пойтахт вилояти сифатида Тошкент табиий ва минерал-хом ашё манбаларига бойлиги, қулай транспорт-логистика тизимига ва инфратузилмага эгаллиги, меҳнат ресурсларининг кўплиги ҳамда ишбилармонлик муҳити яратилгани билан хорижий инвесторлар учун жозибador ҳудуд саналади. Аммо, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб айтadиган бўлса, бугунги кунда ўзлаштирилаётган хорижий сармоялар ҳажми етарли эмас, деб ўйлаймиз.

Биз, бу борадаги ишларни тизимли равишда ривожлантириш баробарида унинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, инвестиция тақлифларини чуқур ўрганиш ва инвесторларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва юксак технологияларни киритиш, рақобатдош, юқори қўшимча қий-матга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини қатъий назорат остига олиш асосида корхона ва муассасаларни босқичма-босқич хусусийлаштириш сиёсатини давом эттириш ва бу орқали аралаш иқтисодиёт доирасида давлат мулк-ини ҳимоя қилиш, стратегик муҳим объектларни уларнинг ижти-

мой фойдалигидан келиб чиқиб, давлат тасарруфида қолдириш биз учун принципиал аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқамиз ва уни ҳаётга татбиқ этамиз. Дастурда хусусан, табиатни саноат корхоналари томонидан ифлосланишини камайтириш, чанг ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи дарахтлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрофида яшил зоналар барпо этиш орқали атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгилаб қўйилади.

Ҳурматли сайловчилар!

Биз бундан кейин ҳам **"Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир"** деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакасида келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатнинг микдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашамиз.

Биз, Ўзбекистонда **"Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун"** тамойилига амал қилган ҳолда, турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарти бўлган, кўп йиллик мустақил тараққиётимиз дав-рида ўзини оқлаган давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттиришни таклиф этамиз.

Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини, авваламбор, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим тизими, йўл қурилиши, коммунал соҳаларда ривожлантириш зарур, деб биламиз. Бундай ҳамкорликнинг энг самарали шакллари қўллаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиб, ходимлар ва иш бевручилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD NARIMON UMAROVNING TOHKENT VILOYATI SAYLOVCHILARI BILAN UCHRASHUVIDAGI MA'RUZASI

◀ Босилгани 2-бетда.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига биз, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринлари ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини яратиш нуктаи назаридан ёндашамиз. Биз ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг амалда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш ва ишсизликни минимал даражагача қисқартиришга интиламиз.

Биз, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий сугурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилишини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш тарафдоримиз. Зеро, халқи, фарзандлари соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучли ва қудратлидир.

Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътиборимиз марказида бўлади.

Бугунги учрашувда иштирок этаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам кўпчиликини ташкил этмоқда. Шу муносабат билан эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Мамлакатимиз аҳолиси сони кўпайиб, уларнинг турмуш сифати ва даражаси юксалиб бораётган айни даврда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ошиб бораётгани барчамизга маълум. Шундан келиб чиқиб, биз

уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фоизларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун жавобгарликни ва назоратни кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдори доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Биз, ўз олдимизга саноати юқори ривожланган, иқтисодиёти фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган, демократик, ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, олий мактабларни тамомлаган, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратамиз. Чунки, олий маълумотга эга инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг ташаббускорлиги, зукколиги ва уддабуронлиги, янгиликка интилувчанлиги билан янги иш ўринлари яратади, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади.

Шундан келиб чиқиб, биз аҳолининг олий таълим билан

қамраб олинишини кенгайтириш, қолаверса, таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни устувор вазифалар сирасига киритамиз:

Биринчидан, халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтиришни режалаштирганмиз;

Иккинчидан, келажакда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, "инновацион ва билим иқтисодиёти"га ўтиш эҳтиёжлари ҳамда аҳолининг демографик ўсиши ва бошқа жараёнларни инобатга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини босқичма-босқич ошириб бориш, давлат ва хусусий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини такомиллаштиришни илгари сурамиз;

Учинчидан, олий ўқув юртларининг мустақиллиги, инновацион инфратузилмасини, илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш, уларнинг базасида кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш бугунги кун талаби, деб биламиз;

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта қуриш,

барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш ғоясини илгари сурамиз. Чунки, сўнгги йилларда ёшларимиз ўртасида олий таълим олишга бўлган интилиш кучайиб, олий таълим муассасаларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони тобора ортиб бормоқда.

Бутун дунёда кечаётган глобаллашув туфайли турли таҳдидлар сони ортиб, давлатлар ва конфессиялараро зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда ташқи сиёсат масаласи мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини учун ўта муҳим, стратегик масала эканлигини барчамиз чуқур англаб турибмиз.

Шу боисдан, биз мамлакатимиз амал қилиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини кучайтиришни долзарб вазифа, деб биламиз.

Бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустақамлашга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий

устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшнларимиз билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз. Қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларимизни минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида қурамиз.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш орқали жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширишга қаратилган дастурий вазифаларимиз шулардан иборат.

Хурматли сайловчилар, партиямиз аъзолари ва хайрихоҳлари!

Бугун Сизлар билан учрашиб туришдан мақсад фақатгина Сайловолди дастуримиз билан таништириш эмас, балки Сизларнинг фикрларингиз билан ҳам кизиқиш, ҳамфикр бўлишдан иборат. Сиз томонингиздан билдириладиган ҳар қандай фикр, таклифни олдимизга қўйган мақсадларни амалга оширишда ўзимиз учун зарурат, деб биламиз.

Барчамизнинг мақсадимиз бир – шу юрт равнақи, халқимизнинг фаровон турмуши ҳамда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг бардавомлигини таъминлаш, ёруғ келажакимизни қуришдан иборатдир.

Сўзим якунида ҳаммангизга соғлиқ-саломатлик, хонадонларингизга фаровонлик, она Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлидаги хизматларингизда куч-қувват ва муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

АДОЛАТ – ҲАР БИР ИШДА ДАСТУРИМИЗ ВА ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН!



НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

"Келин овқатни шўр қилармиш..."

"Мебель ўзимизники экан, куда томон қайтариб юборибди..."

"Келиннинг отаси куёвига ёрдам бермас эмиш..."

"Қизимни уй билан қўшиб узтаман, деган ота ваъдасида турмабди..."

Шу гаплар сизга танишми? Кўча-қўйда бот-бот қулоққа чалиниб қоладиган шу гап-сўзлар бугун бутун бошли оилаларнинг ажралиб кетиши, гулдек норасидалар етим бўлиб қолишига сабаб бўла оладими?!

Хўш, унда ажримларга сабаб нима, деб ўйлайсиз?

"Очиги, оилаларимизда, минг афсуски, оталарнинг ва йигитларнинг ўрни йўқолиб бораёпти. Оилаларни аксарият ҳолларда аёллар бошқараяпти. Оилавий ажримларни ўрганганлар аёлларнинг охириги сўзни айтишаётгани, айрим эрлар ер чицаётганини эътироф этишмоқда. Биз қачон бунақа аҳволга тушиб улгурдик?..."

Ҳамкасбларимиздан бирининг куюни айтган бу сўзларида жон бор...

– Айрим ёшлар ҳаётга енгилелли қарайдиган бўб кетишган, – дейди бир кекса онахон. – Баъзи ёш келинлар ҳам буридан ташқари гапириб бўлмайди. Сал тан-бех бериб, иш ўргатсанг, ўзим биламан", дейди. Ё бўлмаса, боласини кўтариб, онасиникига кетади...

– Аксар қайноналар жуда ҳаддидан ошиб кетишаёпти, – дейди икки қиз узатиб ҳам тинчимаган онаизор. – "Битта ишнинг эпламайди", деб кун беришмайди қизимга. Нима қилсин, бир эмас, икки боласи билан улгуриши қийин-да. Устига-устак куёв ҳам "амманинг бузоғи", онасининг

гапини икки қилолмайди. Шу кунгача болалариниям, қизимизниям ўзимиз кийинтирсак... Мана, оқибати – иккинчи қизимга совчи келган куни каттаси кўч-кўронини кўтариб, қайтиб келди.

– Куёвингизнинг топиш-тутиши чатоқми, болаларини боқолмаса? – сўраймиз онага азбаройи ачинганимиздан.

– Э, йўқ, машина тузатади ўзи,

аянинг сўзларини келтириш жоиз:

– Қиз чиқараётганда: "Борган жойингда сувдек сингиб, тошдек қотгин", "Илоҳим, қўшганим билан қўша қаринлар", "Борган жойингда туп қўйиб, палак ёз", "Ўзингдан қўлайгин", дея дую қўлаимиз. Бу эзгу тилаклар ижобати эса, яна оила тарбиясига бориб тақалади. Зеро, туп қўйиб, палак ёзиш, ўзидан қўлайиш учун узатилаётган қиз, аввало, ўз

да маънавий-маърифий ишлар изчил йўлга қўйилган. Вилоят ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиеваннинг айтишича, ажримлар ўтган йиллардагига нисбатан 76 фоизга камайди. Айниқса, маҳаллалар кесимида фаолият юритаётган яраштириш комиссияларининг тушунтириш-тарғибот ишлари туфайли, кўпгина оилаларда соғлом муҳит барқарор.

доимий эътиборимизда. Айниқса, "Ота-оналар университети" фаолияти ҳаммага манзур. "Никоҳ шартномаси" дан барча бохабар. Кўпни кўрган, қайвони онахонлар, нуруний отахонлар ўз ҳаёт тажрибаларидан сўзлаб, ёшларга йўл кўрсатишади. Энг асосийси, бизда ортиқча даб-дабага йўл қўйилмайди. Икки томон келишиб, қурби етганча тўй қилишади. Ҳозир маҳаллада 3136 аҳоли, 967 та оила бор. Уларнинг энг ибратлилари ҳақида "Оилам – факрим" бурчагини ташкил этганмиз...

Қибрайнинг "Дўрмон" маҳалласида ҳам 3558 аҳоли яшайди. 657 хонадон, 952 оила бор.

– Оилада соғлом муҳит ярата олиш ҳам бир фазилат, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Дилбар Жўраева. – Оилани муқаддас билиш маънавиятли одамларга хос. Шўқри, шундай оилалар кўп. Аммо, айрим тушунмовчиликлар туфайли ажрашишга бориб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Маҳалламизда шундай учта оила бор эди. Тушунтиришлар бесамар кетмади. Ҳозир улар аҳил яшаёпти. Тўғри, кимдир қайнонадан, кимдир қайнопадан, яна кимдир етишмовчиликдан нолийди. Лекин, охир-оқибат ўз хатоларини тушуниб етишмоқда. Аммо, бир оилани муроасага келтириш қийин бўлди. Келин бўлмиш телефон тутиш одобини билмаслиги нафақат эр-хотин, балки қудалар орасига ҳам совуқчилик туширди...

Хуллас, жамият тараққиётига, гуллаб-яшнашига дахлдор мустаҳкам, соғлом оила масаласи ҳар бири-сини учун энг асосий мақсад бўлиши керак. Ҳар қандай ота-онанинг орзуси маънан етук, жисмонан соғлом, баркамол фарзандлари орқали эл-юртда обрў-эътибор қозонишидир. Бу орзунинг рўёби эса ўзимизга боғлиқ!

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимизда 2016 йилнинг 10 ноябидан 2017 йилнинг 10 январига қадар "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" ўтказилмоқда.

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ушбу тадбир доирасида вилоти-мизнинг иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда давлат аҳамиятига молик объектларда хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётган. Бироқ, шунга қарамай, вилотиимиз ҳудудиди 24 ноябдан 28 ноябга қадар 28 та ёнғин содир бўлиб, унинг 26 таси аҳоли уй-жойларига тўғри келди ва турар-жой эгаларига катта миқдорда моддий зарар етди.

Мазкур ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, ўн уч ҳолатда оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, олтитаси электр симларининг қисқа туташуви, тўрт ҳолатда печларни қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши ҳамда саккизтаси ёш болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида юзага келгани маълум бўлди.

Содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида вилотиимиз фуқароларидан "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" тадбирларида фаол иштирок этишларини сўраймиз.

Тошкент вилояти ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.

□ Маънавият

КЕЛИННИНГ ОТАСИ «ТИЛЛА БАЛИҚ» ЭМАС-КУ...

лекин зикна, болаларига ҳеч нарсани раво кўрмайди. "Ўғил туғмадин, энди ажрашамиз", депти... "Ажрашиш осон бўлганими, икки норасиданинг кўзёшига қолсан-ку", дейиш ўрнига ота-онаси жим қараб турса...

Носоғлом оилада улғаяётган ноқобил фарзанд аввал отаси ёки онасига, кейин ўз маҳалласи, охири-оқибат Ватанига хиёнат қилмайди, деб айтолмаймиз. Ахир, оиласини, яқинларини менсимайдиган, ҳурмат қилмайдиган қиздир, ўғилдир, келажакда ўзи ҳам соғлом оила қуролмайди, бунга лаёқати етмайди. Ана энди ўзингиз мулоҳаза қилаверинг: безорию беҳаё ўғил-қизлар қаердан пайдо бўлаяпти? Демак, энг аввал оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш зарур. Биринчи галда ажримларга илоҳи борица йўл қўймаслик керак.

Шу ўринда кўпни кўрган моомаларимиздан бири, 100 ёшли Қумри

хонадониди яхшигина тарбияланган, оила қуриш учун обдон пишиб етилган бўлиши керак.

Бу ҳақда жуда кўп ва ҳўб айтилмоқда. "Зумрадойлар давраси", "Ораста қизлар" тўғралаклар ҳам шу мақсадда ташкил этилган. Аммо, қўйди-чиқдиларда қўевларнинг ҳам ҳиссаси борлигини тан олмай илож йўқ. Бўлғуси келиннинг сарпо-сурқ, мебелларига эътибор қаратаётган қўевтўралар тўйдан кейин ҳам қайнона-қайноналаридан катта-катта совға қутушлари, агар шундай бўлмаса, беорларча келин бечорага зўғум ўтказишга боришларини қандай баҳолаш мумкин?! Келиннинг отаси "тилла балиқ" эмас-ку, истаганингизни бир зумда бажо этса?!

Таъкидлаш керакки, вилотиимиз-



Қибрай туманидаги "Нурафшон" маҳалласи маслаҳатчиси Васила Махмудова билан суҳбатлашар эканмиз кўнглимиз ёришди. Унинг таъкидлашича, маҳаллада бир йилдан бери ажралишлар кузатилмайди. Ўтган йили ажралиш даражасига бориб қолган икки оила ҳам тушунтиришлардан сўнг аҳил-иноқ яшаб кетишди.

– 16 йилдан буён маҳалла маслаҳатчисиман, – дейди В. Махмудова. – "Маҳалланг – ота-онанг" деб бежиз айтишмаган. Ёш оилалар

Реклама ва эълонлар

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига такоран Зангиота тумани СИБ томонидан Зангиота тумани судининг 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к ҳудудида жойлашган қўйдаги савдо дўконлари қўйилмоқда:

1-лот. 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 33 862 478 сўм.

2-лот. 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 622 992 сўм.

3-лот. 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 755 790 сўм.

4-лот. 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 924 981 сўм.

5-лот. 31-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 34 115 359 сўм.

6-лот. 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 413 753 сўм.

7-лот. 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 478 070 сўм.

8-лот. 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 191 684 535 сўм.

9-лот. 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 267 359 сўм.

10-лот. 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 178 100 сўм.

11-лот. 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 23 519 848 сўм.

II. Аукцион савдосига такоран, Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги 1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Мирзо Улугбек кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган уй- жой қўйилмоқда, бошланғич баҳоси- 962 661 898 сўм.

III. Аукцион савдосига такоран

лан Зангиота тумани СИБ томонидан ФИБ Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 6 октябрдаги 1-5503/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйдаги кўчмас мулк қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, "Туропобод" маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1,2985 гектар, қурилиш тугалланмаган, иссиқхона – 792,48 кв.м., хизмат биноси – 152,44 кв.м., молхона биноси – 443 кв.м., соябон – 59,30 кв.м., бошланғич баҳоси – 480 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 14 декабрь соат 16.00 гача.

Кўчмас мулк объектлари би-

лан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K'o'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р.: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-А уй. (Тошкент шаҳар Меҳнат бошқармаси, 10-, 11-хона).

Тел./факс: (+99895) 146-33-53.
www.1kms.uz.
rieltsavdo@inbox.uz.
Лицензия RR-0001.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудиди шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 28 ноябрдаги 43-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан, "ANGREN AVTOBUS-TAKSI SAROIYI" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудиди йўловчиларни шаҳар ичида автобусларда ва микроавтобусларда ташиш", шунингдек, "Тошкент вилояти ҳудудиди йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ва микроавтобусларда ташиш" фаолиятларини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000647, 000648, 000679, 000684 рақамли лицензияларнинг амал қилиш мuddати 2016 йил 29 ноябрдан қайта тикланди.

Тузатиш

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 16 ноябрдаги № 93 (12937)-сониди "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ томонидан чоп этилган эълондаги "Аукцион савдоси 2016 йил 5 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади" сўзлари "Аукцион савдоси 2016 йил 9 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади" деб ўқилсин.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қўйдаги мулклар:

Тошкент вилояти: I. Бўстонлик тумани СИБ томонидан: Искандар кўргони, "Энергоқурилиш-индустрия" ШК гаражиди сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм, 1979 йилда и/ч., дав/рак. 10/826 FAA бўлган, "Камаз 5410" русумли; 2. Бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм, 2000 йилда и/ч., дав/рак. 10/827 FAA бўлган, "Камаз 65115С" русумли; 3. Бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм, 1986 йилда и/ч., дав/рак. 10/0647AA бўлган, "ОДАЗ 9370" русумли ярим тиркама (бортли) автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда. II. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан: Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ манзилида сақланаётган: 1988 йилда и/ч., дав/рак. 10A516DA, бошланғич баҳоси – 357 466,76 сўм бўлган, "УАЗ3499Б" русумли автотранспорт воситаси. III. Қибрай тумани СИБ томонидан: "Интер Роҳат" К.К. омбориди сақланаётган, бошланғич баҳоси – 57 470 291,4 сўм бўлган, 80 400 донна 18 W бўлган, TL-D ва 2 300 донна 36 W бўлган, TL-D русумли – Дневной лампалар савдо-га такоран қўйилмоқда. Аукцион

савдоси 2016 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 9 декабрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таро-бий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 21 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйдаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: Кибрай тумани СИБ томонидан хатланган, Қибрай тумани, "Гулноза Барака" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган:

1. 04.07.2016 йилдаги 16607/10-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ноаниқ, давлат рақами бўлмаган, "Газ-66" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 5 537 160 сўм.

2. 04.07.2016 йилдаги 16607/10-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ноаниқ, давлат рақами бўлмаган, "Зил-130" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 4 177 980 сўм.

3. 04.07.2016 йилдаги 16607/10-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ноаниқ, давлат рақами Х075ЕСМ бўлган, "Камаз" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 3 563 190 сўм.

4. 04.07.2016 йилдаги 16607/10-

сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ноаниқ, давлат рақами 11L1074 бўлган, "Газ-66" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 6 120 360 сўм.

5. 04.07.2016 йилдаги 16607/10-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ноаниқ, давлат рақами 01X763AA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 5 481 000 сўм.

6. 04.07.2016 йилдаги 16607/10-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, ишлаб чиқарилган йили ноаниқ, давлат рақами Х293EWM бўлган, "Газ-53" борт русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 3 377 700 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқориди автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кун-

ларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 21 декабрь кундаги аукцион савдоси учун 19 декабрь соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунли мобайнида тўлашига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

Газетанинг навбатдаги сони 7 декабрда чиқади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манъилими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz	Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-38-23, 233-48-08. Шарҳнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан руйхатта олинган. Газета "Тошкент ҳақиқати" тахририяти компьютер марказида терили ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Ҳолмурод САЛИМОВ Назоратчи мусоҳиҳ Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҶАЕВ	Гувоҳнома № 004593.
---	--	---	--	--	--	----------------------------